Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 5 май, пайшанба № 83 (21.687). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 май куни Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосакини қабул қилди.

Ислом Каримов Япониянинг жаҳон ҳамжамиятида тутган юксак мавқеи ҳақида сўзлар экан, мазкур давлатнинг мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа кўпгина соҳалардаги ўзаро алоқалари тобора равнақ топаётганини қайд этди.

— Биз учун олис ва афсонавий диёр ҳисобланган Япония аллақачон келажакка — XXI асрга тамал тоши қўя бошлаган илғор давлат ҳамдир, — деди Ўзбекистон раҳбари элчи билан суҳбат чоғида. — Сизнинг замонавий ва самарадор технологияга асосланган жаҳонга машҳур компанияларингиз билан сиёсий барқарор, иқлими қулай, бойликлари мўл-кўл Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар икки томон учун бирдек манфаатли экани шубҳасиз.

Укэру Магосаки самимий қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этди. Япониянинг янги тузилган ҳукумати Ўзбекистон билан муносабатларни келгусида ҳам барқарор ва самарали давом эттириш тарафдори эканини таъкидлади.

Қабул маросимида республика ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. (ЎзА).

Фашизмга қарши 1941—1945 йиллар уруши қатнашчилари, республиканинг барча фуқароларига

ҚУТЛОВ

Муҳтарам отахонлар ва онахонлар!

Азиз ватандошлар!

Шу кунларда эрксевар инсониятнинг ашаддий душмани бўлмиш — фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 49 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Жанггоҳлардан анча олисда бўлган Ўзбекистон тиш-тирноғигача қуролланган босқинчилар билан ҳаёт-мамот учун олишувда фаол иштирок этиб, ғалабага муносиб улуш қўшди. Минглаб ҳамюртларимиз бошқа халқлар вакиллари билан елкама-елка туриб, душманга қарши қаҳрамонларча жанг қилдилар. Оғир йилларда эркаклар ўрнини эгаллаган аёллар, ўсмирлар, ногиронлар аскарларни қурол-яроқ, ўқ-дори, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминладилар. Бағри кенг, сахий халқимиз ғарбий ҳудудлардан кўчириб келтирилганларга бошпана берди, етим-есирларни бағрига босиб, ўз фарзандларидай ардоқлади.

Жангларда тобланган, тинч меҳнат жабҳаларида ҳам барчага ўрнак бўлган, истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган фахрийлар Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисидаги Фармонидан руҳланиб, ҳукуматимизнинг уларга қилаётган доимий ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдириб, мустақил Ўзбекистон ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар. Халқимиз ўз қаҳрамонлари билан ҳақли равишда ғурурланади, уларга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билдиради, шаҳид бўлганлар руҳи-поклари олдида таъзим қилади.

Қадрли фахрийларимиз!

Азиз ҳамюртлар!

Сизларни Ғалаба куни билан чин қалбдан табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлик, оилаларингизга фаровонлик, ҳур Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларингизга омад тилаймиз!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч ва обод бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ АЛОҲИДА МАХСУС ФОИЗСИЗ СЧЁТЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси жамғарма банкининг СССР давлат банки ва Россия банкининг 1961—1992 йиллар нусхасидаги қоғоз рубларини муомаладан чиқариш даврида аҳолининг жамғарма банки муассасаларидаги алоҳида махсус фоизсиз счётларга топширилган пул маблағларини 1994 йилнинг 5 майидан бошлаб қайтариб бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки:

омонатчилар маблағларни талаб қилганларида кўрсатиб ўтилган счётлардан уларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз, даромадлар манбаи тўғрисида декларация талаб қилмасдан қайтариб берилишини таъминласин;

1994 йилнинг 5 майидан бошлаб кўрсатиб ўтилган счётлар бўйича йўқлаб олинадиган омонатлардаги каби фоизлар тўласин;

махсус фоизсиз счётлардаги маблағларни омонатчиларнинг хоҳишларига кўра омонатнинг амалдаги ҳар қандай турига ўтказсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини барқарорлаштиришга оид қўшимча чоралар тўғрисида» 1993 йил 6 ноябрдаги 533-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши ҳамда 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 май.

ДАВЛАТ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига мувофиқ Корея Республикаси Президенти Ким Янг Сам шу йил 4 июнда Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келади.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва халқи Корея Республикаси Президенти Ким Янг Самнинг мамлакатимизга ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади, деб ишонч билдирадилар.

(ЎзА).

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессияси арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Олий Кенгашдаги Ўзбекистон ХДП Депутатлар партия гуруҳи вакиллари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда сессияга киритилаётган масалалар юзасидан партиянинг нуқтаи назари атрофлича кўриб чиқилди.

Сиёсий ижроқўм Олий Кенгашдаги депутатлар партия гуруҳига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, партиямизнинг Раиси И. А. Каримов бошчилигида республика раҳбариятининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини сессия муҳокамасига қўйилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни, унинг иши баҳамжиҳат ва самарали ўтишини таъминлашни тавсия этди.

ПОКИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Яқинда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган бир гуруҳ покистонлик зиёли хотин-қизлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ташриф буюрдилар. Партия раҳбарияти номидан меҳмонларни самимий табриклаган Марказий Кенгаш биринчи котиби М. Расулов жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамияти, Президент И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятининг оналик ва болаликни муҳофаза этиш, «Соғлом авлод учун» махсус пиншони таъсис этилишининг аҳамияти, партиямиз сафларидаги аёллар фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Делегация раҳбари доктор Фаузия Салими хоним учрашув ва суҳбат учун миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон Президенти изчиллик билан юритаётган тинчлик ва халқаро ҳамкорлик сиёсатидан мамнун эканликларини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

ФИКРЛАР ТИНИҚ, ТАКЛИФЛАР АНИҚ

Қатрада қуёш акс этади, дейдилар. Таъбир жоиз бўлса, кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар зали фойесида рўйхатдан ўтаётган депутатларнинг юз-кўзларида, хатти-ҳаракатларида сайловчиларнинг бугунги кайфияти, ўй-андишалари, аҳволи-руҳияти акс этган.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессиясига келган депутатлардан бир гуруҳ. Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Замонавий экран қаршисида ўтирган қизлар ҳар бир депутатга тегишли маълумотларни лаҳзада кўзгуда ифодалаб беришади. Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлган депутатлар билан йўл-йўлакай суҳбат қурамиз.

Нарпай туман ҳокими **Салоҳиддин БОБОМУРОДОВ:**

— Эртага очиладиган сессиядан умидларимиз катта. Халқ турмуши билан бевосита боғлиқ ҳаётий масалалар муҳокама қилинади. Насиб этса, бу сессия ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим омил бўлади. Одамларимизнинг кайфияти яхши, туман хўжаликларида чигит қийғос униб чиқди.

158-Шаҳрихон сайлов мавзеидан депутат **Тоҳиржон ҚОБИЛОВ:**

— Мен бу ерга тўғри Москвадан келдим. Туманлараро ҳиссадорлик бирлашмаси директори сифатида пештахталарни эл учун зарур маҳсулотлар билан тўлдириш ташвишида у ёққа боргандим. Президентимиз Россия Федерациясига расмий сафар қилгандан кейин муносабатларимиз яхши йўлга қўйилмоқда. Сессия кун тартибида республикамизнинг бошқа давлатлар билан тузган шартномаларини ратификациялаш ҳам киритилгани айни муддао бўлди.

Фикрлар, ўйлар, мулоҳазалар. Назаримда XV сессияни чақириш ҳақида Олий Кенгаш Раёсатининг қарори эълон қилингандан буён ўтган давр ичида улар депутатлар ҳаёлида етилиб, тиниқиб борди. Биз рўйхатдан ўтаётган жойда кўплаб депутатлар билан суҳбатлашдик. Улар орасида Жиззахдаги 1-қурилиш материаллари комбинати директори Азиз Абдуллаев, Самарқанд вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари Мамаюсуф Салимов, Учқўприк туманидаги «Оқсув» давлат хўжалиги ишчиси Садирали Умаров ва бошқалар бор эди. Истагимиз улар руҳидаги жанговарлик бугунги сессияга, эртанги ишларга кўчсин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚЎМИТАЛАРИДА

4 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни шу қўмита раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонун лойиҳаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига, жиноят кодекси ва жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари, Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жазо, ҳамда жиноят-муҳокама кодексларининг лойиҳалари кўриб чиқилди.

Депутатлар мазкур лойиҳаларни Олий Кенгашнинг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига тавсия этдилар.

* * *

Шу куни Олий Кенгаш саноат, қурилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари қўмитаси ҳамда соғлиқни сақлаш ва халқ таълими қўмитасининг ҳам сессия олдидан мажлиси бўлиб ўтди.

(ЎзА).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси бугун, 5 май куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 5 май куни эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ТЕННИС БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

3 май куни Тошкентда теннис бўйича «Буюк ипак йўли» деб ном олган халқаро мусобақа тантанали равишда очилди. Мусобақа тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида илгари хабар берган эдик.

Карнайлар чалиниб, тантанали парад бошланади. «Динамо» стадионининг марказий кортига жаҳоннинг 22 мамлакатидан келган спортчилар саф тортади. Байрамни Швейцариянинг «Ай-ти-пи-тур» компаниясининг президенти, машҳур бизнесмен, теннис ўйинининг катта мухлиси Сасон Какшури очади. У республикамизга мазкур турнирни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун май ойининг охирида бўладиган мусобақаларни ташкил этишга кўмаклашиш учун келган.

Республикамиз байроғи кўтарилади. Дэвис кубогининг Катарда бўлиб ўтган минтақавий мусобақаларида иштирок этган теннисчиларимиз О. Огородов, Д. Томашевич, Т. Ғаниев, Ф. Ғуломов байроқни кўтариш шарафига муяссар бўлдилар.

Халқаро турнирнинг тантанали очилиши маросимида республика Бош вазирининг ўринбосарлари М. Қорабоев, Қ. Ҳаққулов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпиада қўмитасининг президенти С. Рўзиев ҳозир бўлдилар.

«Катта ракетка» усталари шу куниёқ ғолиблик учун курашни бошлаб юбордилар.

(ЎзА мухбири).

ҒАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МКДА УРУШ ФАХРИЙЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Тарихда юксак маъно ва чуқур моҳиятини ўзида жо қилган шундай воқеалар ва саналар борки, улар вақт ўтиши билан инсонлар хотирасидан ўчиш, ўз мазмунини йўқотиш у ёқда турсин, аксинча янада улуғворроқ, янада буюкроқ бўлиб кўз ўнгимизда гавдаланади. Ғалаба куни ана шундай воқеалардан биридир.

Шу боис республикамиз жамоатчилиги Президент И. А. Каримовнинг «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Фармонини мамнуният билан кутиб олди. Фармонга биноан 1941 — 1945 йиллардаги урушда қўлга киритилган ғалабанинг оламшумул-тарихий аҳамияти ҳисобга олиниб, ўзбекистонлик жангчиларнинг урушдаги жасорати ва халқнинг фронт ичкарисидаги фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш мақсадида ушбу сана умумхалқ байрами сифатида нишонланади.

Бу йил эса, буюк Ғалабанинг 49 йиллиги тантана қилинмоқда. Шу муносабат билан 3 май куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши уруш фахрийлари шарафига қабул маросими ўтказди. Йиғилганлар орасида уруш даҳшатларини бошидан кечирган, ўлим билан юзма-юз учрашиб, душманни мавҳ этган, кўкраклари кўплаб жанговар нишонлар билан безатилган генераллар, офицерлар, оддий жангчилар, армияга қурол-яроғ ва озиқ-овқат етказиб беришда жонбозлик кўрсатган кекса отахон ва онахонлар, партия фаоллари бор.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Маҳмуджон Расулов йиғилганларни байрам билан самимий табриклаб, уларга урушда, фронт орқасида кўрсатган мислсиз жасоратлари учун чуқур миннатдорчилик билдирди. У кўплаб ўзбекистонликларнинг жангларда ва мамлакат ичкарисида қаҳрамонлик намуналарини намоён қилганликларини, инсониятнинг ашаддий душмани устидан қозонилган ғалабага салмоқли ҳисса қўшганликларини таъкидлаб ўтди. Уруш майдонларида жон фидо қилганларнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий яшажакига қатъий ишонч билдирди.

Ўзбекистонлик жангчилар урушдан қайтгач, халқ хўжалигини тиклашда мардонавор меҳнат қилдилар, иқтисодиётимизни жуда қисқа муддатда тинч ҳаёт изларига ўтказиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилдилар.

Фахрийларимиз ҳозир ҳам сафдалар. Улар республикамиз раҳбариятининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган сиёсий йўлини рўёбга чиқаришга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар, фуқароларимизни, айниқса, ёшларни мустақил Ватанимизга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялашдек ниҳоятда муҳим ишни бажармоқдалар. Ўзбекистон Халқ демократик партиясини тузиш ва элга танитишда ҳам уларнинг хизматлари катта.

Ўзбекистон фахрийлари ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси Бектош ака Раҳимов Президент И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбариятига уруш ва меҳнат фахрийлари тўғрисида қилинаётган улкан ғамхўрлик учун раҳматлар айтди. Бу ғамхўрлик ҳукуматимизнинг уруш қатнашчиларига бераётган кўплаб имтиёз ва енгилликларида ўз ифодасини топмоқда, У, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан фахрийларга катта диққат-эътибор берилаётганлигини уқтириб ўтди.

Ватан қаҳрамони, генерал-полковник Павел Шевелёв халқлар дўстлиги фашист гаразандаларини тор-мор қилишнинг муҳим омилларидан бири бўлганлиги, ўзбек халқи умумий ғалабага улкан ҳисса қўшганлиги тўғрисида жуда ишонарли қилиб айтди. Президентимиз ва ҳукуматимизга, — дейди генерал, — биз, жангчиларга кўрсатаётган доимий ғамхўрликлари учун астойдил миннатдорчилик билдирамиз.

Урушда бошдан охиригача тиббиёт ходими сифатида қатнашиб, унинг оқибатларини ўз кўзи билан кўриб, минглаб ярадорларга ёрдам кўрсатган жарроҳ, мамлакатимиз «Соғлом авлод учун» нишонига биринчилар қаторида сазовор бўлган профессор Муқаддам Ашрапова урушдан соғ-омон қайтганлиги, ғалабада озгина бўлсада улуши борлиги ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг олий мукофотига сазовор бўлганлигидан бахтиёр эканлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди. Келажак авлод урушни кўрмасин. Ҳеч қачон оналар фарзандларини, ёш болалар ота-оналарини йўқотмасинлар. Ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилайлик, деди у пировардида.

— Ғалаба осонлик билан қўлга киритилмади. Ҳалок бўлган минг-минглаб қуролдошларимиз ҳоки рус, украин, белорус тупроғида, Болтиқбўйи ва Шарқий Европа мамлакатларидадир, деди кўкрагида Олтин юлдуз порлаб турган Боис Эргашев.—Биз уларни ҳамиша эсда тутамиз, қабрларини зиёрат қиламиз, номларини абадийлаштирганмиз. Ҳаммамизнинг дилимизда битта истак — қирғинбарот такрорланмасин, болаларимиз, набираларимиз урушнинг даҳшатларини кўрмасинлар.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим Ғалабанинг 49 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг ташаббусига юқори баҳо бериб, улар табаррук инсонларни эъзозлаётганлигини, шу туфайли ҳам мазкур партия ҳеч кам бўлмаслигини таъкидлади.

Учрашувда фахрийларга совғалар топширилди. Республикада хизмат кўрсатган артистлар М. Тожибоев, М. Тошматов, О. Ёқубова, хонанда Э. Рўзиматов уларни дилрабо куй-қўшиқлари-ю, ўйинлари билан хурсанд қилдилар.

Тадбирда МК котиблари А. Жалолов, И. Кочмарик, А. Мирқосимов, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашлари раҳбарлари иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

СУРАТДА: байрам қабулидан лавҳалар.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

МАЪНАВИЯТ—БУЮК ДАВЛАТ АСОСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ҳалқнинг маънавий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар ясамоқда. Кечаги дунёқараш, кечаги тушунчалар бугун истиқлол ғоялари, миллий қадриятлар, кўҳна ва қадимий анъаналар, умумбашарий неъматлар руҳида янгиланмоқда. Сиёсатимиз, иқтисодиётимиз миллийлашгани каби, маънавиятимиз ҳам миллийлашиб, умуминсоний қиммат касб этмоқда. Зеро, миллий маънавиятни тўла шакллантирмасдан туриб, мустақил давлатни қарор топтириш мушкул. Шу боис, республика Президенти маънавият буюк давлатга асос — пойдевор эканини қайта-қайта таъкидламоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ маънавиятга эътибор миллий сиёсатимизнинг муҳим тамойили сифатида кўзга ташланди. Кўҳна қадриятларни тиклаш, қадимий байрам ва маросимларни йўлга қўйиш, миллий мафкурани шакллантириш—барчаси ана шу сиёсат шарофати ўлароқ умумхалқ, умумдавлат ишига айланди. Яқинда маънавият борасида яна бир муҳим қадам қўйилди. Президентимиз Ислом Каримов республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида Фармон чиқарди. Биз бир гуруҳ маънавият намояндаларидан ана шу Фармон хусусида, маънавиятнинг мустақил давлат қудратини ошириш борасидаги ўрни тўғрисида гапириб беришни сўрадик.

Азиз ҚАЮМОВ, профессор: — Халқнинг асл қиёфаси, аввало, унинг маънавиятида кўринади. Инсоний буюклик, ижтимоий юксалишнинг боши ҳам маънавиятдадир. Биз буюклик тажрибасини неча бор бошдан кечирган халқмиз.

Мустақил мамлакатимизда ҳам буюклик асоси босқичма-босқич тиклаб борилаётир. Президентимизнинг республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш ҳақидаги Фармони ана шу йўлда яна бир олға қадам бўлди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари айрим ёшларни шошириб қўйди, Улар бойлик тўплаш васвасасига тушиб қолди. Ундай одамлар билан буюк давлат тиклаб бўлмайди. Буюк давлат кишилари ҳар томонлама баркамол бўлмоғи зарур. Маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш борасида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази жуда катта ишларни амалга ошириши мумкин.

Маълумки, баркамол инсон икки хил — жисмоний ва маънавий йўл билан тарбияланади. Келажак авлоднинг жисмоний соғлом бўлишида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган соғлом авлод яратиш тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларни маънавий камол топтириш борасида эса «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази олдида катта вазифалар туради.

Баҳодир ЖАЛОЛ, Ўзбекистон халқ рассоми: — Бу фармон айни вақтида чиқди. Нега? Биласиз, кейинги пайтда эркин бозор муносабатларига ўтилаётгани боис, одамлар, хусусан, ёшлар ўртасида ёппасига тижоратга, олди-сотдига берилиш кучайди. Савдогарлик айб эмас. Бу касбнинг ҳадисини олиб, бозорни мол-мулкка тўлдирганга, элнинг олқишини олиб, савобга ботганга нима етсин! Аммо савдогарликда ҳам маданият, маърифат бўлиши зарур. Бизда айнан ана шу нарса етишмаётир. Дўконда турган нарсани олиб, ўн қадам нарида пуллаш—савдогарлик эмас. Бу —эл ризқини қийиш, дейилади. Бойликка ружу қўйиш ҳеч замонда яхши оқибатга олиб келмаган. Шу боис, мен ёшларимиз, аввало, ўқиса, ўрганса, етарлича қуникмаларга эга бўлса, кейин шунга яраша бир ҳунарни эгалласа, дейман. Ишончим комилки, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази энг аввал, ана шу масалага — халқнинг ижтимоий фикрини соғлом анъаналар, ғоялар асосида ривожлантиришга қаратади.

Баҳодир ИҲЛДОШЕВ, Ўзбекистон халқ артисти: — Биз, менимча, кейинги пайтда одамларни беҳуда айблайдиган бўлиб қолдик. Ҳамма нарса ҳам эҳтиёжга қараб бўлади-да! Ҳозир яширишнинг ҳожати йўқ, маънавиятга ижтимоий эҳтиёж сусайди. Шу боис, ҳар қандай ота-она беш юз сўм тўлаб боласини театрга олиб киришдан кўра, беш минг сўм тўлаб «Сникерс» олиб беришни маъқул кўради. Китоб расталарини қаранг, Алишер Навоийнинг китоблари турибди. Жуда озчилик қизиқиб қарайди. Одамларда бойликка эгалик ҳисси устунлик қилиб кетяпти. Эҳтимол, бу узоқ йиллар давомидаги мулксизлик туйғусининг тескари шиддат билан хуруж қилишидир. Мен янги тузилган жамоатчилик маркази, аввало, ана шундай ҳаётий муаммоларнинг илдизини топиш, моҳиятига етиш борасида катта ишлар қилишни истайман.

ЎзА мухбири Муртазо ҚАРШИБОЕВ ёзиб олди.

ҲУВАЙДО—ИЙМОН ВА ДИЁНАТ КУЙЧИСИ

Фарғона Давлат дорилфунуни ва вилоят партия ташкилоти ҳамкорликда ўтказган ана шу мавзудаги илмий-назарий анжуман ҳамюртимиз, файласуф шоир Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо таваллудининг 290 йиллигига бағишланди.

Уни Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби, вилоят кенгаши депутати А. Мирсалимов очди.

Анжуман иштирокчилари Фарғона Давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедрасининг мудири М. Матғозиевнинг «Ҳувайдо — иймон ва диёнат куйчиси», тадқиқотчи олим, Қува туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Р. Исмоиловнинг «Ҳувайдо ижодидаги диний тасаввуф ғоясида халқ тарбияси», улуғ мавзуидаги ва бошқа маърузаларни тингладилар.

Анжуманни якунлар экан, ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов қадриятларимиз халқимиз ҳаётига қайтарилаётган бугунги кунда ўтмиш авлод адиблари ва зиёкорларининг маънавий ҳаётимизга ижодий таъсири ва бу омил Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш ишида асосий манбалардан бўлиб қолажагини алоҳида таъкидлади.

Шавкат ИСРОИЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ташаббус*

ижодкорнинг авлодларидан Н. Ориповнинг «Ҳувайдо шажараси, унинг авлодлари ва издошлари ижоди», Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг мудири, ёзувчи Йўлдош Сулаймоннинг «Ҳувайдо ва ҳозирги замон адабий жараёни»

• *Сессия арафасида суҳбат*

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ПАРЛАМЕНТ

(ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ЛАЗИЗ ОХУНЖОНОВ БИЛАН МУЛОҚОТ)

— Сиз Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтининг Ўзбекистон халқлари, давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедрасида кўп йиллардан бери ишлаб келмоқдасиз. Лазиз Муҳамедович, аввало «парламент» сўзи ҳаётимизга янги тушунча сифатида кириб келаётгани учун у ҳақда муштарийларимизга кенг маълумот бersангиз.

— Парламент (французча — гапирмоқ, сўзламоқ) қонун чиқарувчи олий орган, олий вакиллик органи демакдир. Даставвал XIII асрда Англияда табақа вакиллари органи сифатида ташкил топган. Францияда генерал штатлар, деб номланган. Парламент капиталистик мамлакатлардаги буржуа давлатларига хос орган. Россиядаги эски Боярлар Думаси, кейинроқ эса Давлат Думаси моҳияти жиҳатидан парламентга ўхшашиб кетган. Турли мамлакатларда турлича номга эга. Масалан; АҚШда конгресс деб, Швецияда риксдаг, Норвегияда — стортинг деб юритилади ва ҳоказо. Парламент бир палатали ва икки палатали бўлади. Парламенти бир палатали мамлакатлар: Финляндия сейми, Туркия мажлиси, Дания риксдаги ҳисобланади. Собиқ иттифоқдош республикалар олий органлари ҳам бир палатали бўлган, СССР Олий Совети эса, Иттифоқ ҳамда Миллатлар советларидан иборат икки палатали бўлган. Деярли кўпчилик мамлакатларнинг парламентлари икки палатали бўлиб, АҚШда қуйи палата — вакиллар палатаси, юқори палата — сенат, Англияда қуйи палата — умум палата, юқори палата — лордлар палатаси деб аталади ва ҳоказо.

Умуман парламент конституциявий давлатларда қонун чиқарувчи олий мажлис, вакиллар, халқ нойблари мажлисидир. Жумладан, бизда ҳам шундай.

Ҳозирги энг муҳим ютуғимиз шу бўлдики, миллий истиқлол давлатимиз фуқароларининг эркин-иродаси, теран ижодкорлиги туфайли «Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Бу қонун давлат ҳуқуқи таркибига киради. Бундан хулоса шуки, мустақил давлатимиз қонунларининг асл ижодкори — халқдир.

Шу ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслигимиз керакки, миллий мустақилликка эришганимизга қадар ўтган ўн йиллар давомида мамлакатимизни ривожлантириш муаммолари уларнинг ҳал этилишидан кўра тезроқ кўпая борди. Жамиятнинг реал ҳолати илмий жиҳатдан атрофлича ва чуқур таҳлил қилинмади.

Шу боисдан биз чинакам ҳуқуқий давлат юртимизда мустақилликни қўлга киритишимиз муносабати билан бунёд бўла бошлаяпти, десак муболаға бўлмайди.

— Мамлакатимиз тарихида парламентга сайловлар биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Айтингчи, муҳолифатчи деганда биз аслида кимларни назарда тутамиз?

— Демократия бу Конституция ва қонунлар доирасидаги эркинлик ва ҳурфикрлиликдир. Чунки, ҳуқуқий давлатнинг асоси ана шундадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг, жумладан муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида мустаҳкамлайди. Конституциянинг 34-моддасида уқтирилганидек, «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас».

Ҳар қандай демократик жамиятда ҳокимият билан муҳолифатчилар ўртасидаги тотувлик одат тусини олиб қолган. Муҳолифатчилик фаолияти ўз фикр, эътиқодини эркин ифода этишнинг аниқ бир шаклидир. Муҳолифатчининг обрў-эътиборн унинг мавжуд ҳокимиятга нисбатан қанчалик тўғри ва виждонан муносабатда бўлишига боғлиқ. Биноборин ҳокимият билан муҳолифатчи ўртасидаги муносабат беғаразлик замирига қурилган бўлиши керак.

Демократик тарзда шаклланган давлат ҳокимияти авторитар, якка-ҳукмронлик, чекланмаган ҳокимликдан мутлақо фарқли ўлароқ кенг халқ оммаси табақаларига таяниб иш кўради ва шу маънода у халқ манфаатларининг қонуний ифодаловчисидир.

Халқ сайлаб қўйган парламент ва Президентгина халқ номидан сўзлай олади. Ўзбекистон Конституциясида бу ҳақда яққол ёзиб қўйилган: «Ўзбекистон халқи номидан, — дейилган унда — фақат у сайлаган Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас» (10-модда).

Назария ва амалиёт синчиклаб шилашга ёрдам берадиган, олға томон силжишнинг энг тўғри йўлини кўрсатиб, маслаҳат берааоладиган муҳолифатчи керак. Муҳолифатчилик моҳияти хўжакўрсингагина иш олиб бормай, балки барча кучлар билан биргалашиб, бамаслаҳат энг маъқул ва мақбул қарорга келишдан иборат бўлмоғи керак.

— Юртбошимиз бир неча марта чет эллардаги мавжуд кўппартиявийлик ҳақида фикр юритиб, мамлакат учун ҳал қилувчи палаталарда барча партияларнинг бир ёқадан бош чиқариб аҳиллик билан иш олиб боришини таъкидлаган эдилар.

— Мустақил республикамизда давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонуни ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

— Ҳаёт шундан далолат бермоқдаки, ўзларини демократларимиз, деб лоф урайтганлар ҳамиша ҳам бирон-бир амалий таклиф билан чиқаётганлари йўқ.

— Мухолифатчилар орасида қандай йўл билан бўлмасин қонуний ҳокимият обрўсига путур етказиш, ҳетто хориждан мадад қидириш, керак бўлса молиявий ёрдам сўраб бориш йўлига ўтганлар ҳам бўлди. Ва аксинча, Ўзбекистондаги барқарорлик ва аҳоли фаровонлиги ёқмаётган кучлар мухолифатчилардан ўзига паноҳ ва таянч топмоқдалар. Ташқи кучга ишониб ва таяниб мухолифатчилик кураши олиб бориш, албатта қўпорувчиликдан бошқа нарса эмас.

— Худди шуни назарда тутиб, Конституциямизнинг 60-моддасида: «Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у ваколат қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар», деб ёзиб қўйилгани бежиз эмас. Шундай эмасми!

— Ҳокимият учун курашда хорижий мамлакатлардан молиявий ёки бошқа турдаги ёрдам олиш бу сиёсий ҳурфикрлилик доирасидан четга чиқиш бўлиб, ҳалол сиёсатдонлар шаънига лойиқ иш эмасдир. Бошқа давлатлар матбуотларининг ғаламис баёнотларини ҳам суверен давлатларнинг ички ишларига аралашиш, деб баҳоламоқ керак.

Кўп ҳолларда матбуотда мухолифатчи кучлар ҳаракатини демократиянинг, халқ иродасининг намоён бўлиши, деб мақтаб чиқилди, қонуний сайланган давлат таркиблари эса, халққа қарши органлар сифатида таърифланди. Шуни ҳаққидлаш жонзки, Озарбайжонда, Гуржистонда, шунингдек Тожикистондаги воқеаларнинг қонли фуқаролик урушига айланиб кетишида мухолифатчиларнинг хизматлари озмунча бўлмади.

Мухолифатчилар барчага маъзур дастурга эга бўлган тақдирдагина, бу дастур эл-юртга муҳим ҳаётий масалаларни ҳал қилишга ёрдам берсагина улар фаолиятини маъқул, деб ҳисоблаш мумкин.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлоқ ваколатлари жумласига нималар киради! Шу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Ғоят кенг фикрни қамраб олган масалалар киради. Булардан энг муҳимлари: Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш; халқаро шартномаларни ва битимларни тасдиқлаш ва барвақт тўхтатиш; парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади.

Олий Мажлис қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлайди; турли қўмита ва комиссиялар тузади; қонунлар ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади.

Ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш жараёни парламентнинг доимий диққат марказида туриши лозим бўлган муҳим масалалардирки, булар қонун ман этган нарсани аниқ билишни тақозо этади. Бунинг учун кишиларнинг ҳуқуқий онг тушунчасида чуқур ўзгариш рўй бериши керак. Бу демократиянинг энг нозик соҳаси — сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга тааллуқлидир. Қувонарли ери шуки, бу масала Конституциямизда мукаммал ифодасини топган.

— Парламент тадбиркорлик, умуман эркин меҳнатий ҳуқуқий муҳофазалашга қандай эътибор беради!

— Иқтисодиётнинг бирламчилигига имтиёз берилган ва бозор муносабатларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган ҳозирги шароитда давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилганлигини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ижрочи ҳокимиятнинг кучайганлиги ва имтиёзли ҳолати айни вақтда парламент иродасининг ҳам ифодаси бўлиб, бу ҳол давр тақозоси, замон талабидан келиб чиққандир.

Суҳбатдош Ҳамид ИКРОМОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

● **Ҳамкорлик**

ИТАЛИЯЛИКЛАР НАМАНГАНДА

● Италия ташқи савдо институти Москва бюроси директори, доктор Франческо Серени раҳбарлигидаги Италия ишбилармонлари делегацияси Наманганга келди.

Сафардан мақсад — маҳаллий бозорни ўрганиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш эди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда меҳмонларга вилоятнинг саноат соҳасидаги салоҳияти, йирик корхоналарнинг иши ва имкониятлари тўғрисида сўзлаб берилди. Италиялик ишбилармонлар машинасозлик маҳмуи, деҳқончилик—саноат тармоғидаги қайта ишловчи корхоналар билан қизиқдилар. Муайян битимлар имзолангани йўқ, аммо томонларнинг манфаат ва қизиқишлари аниқ бўлди.

● **Инсонпарварлик**

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

● Қорақалпоғистонга дори-дармон ва турли тиббий асбоблардан иборат инсонпарварлик ёрдами етиб келди.

Бу — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Қизил ярим ой жамиятлари билан биргаликда экология фалокати зонасида хайрия тадбирларини амалга ошираётган Швейцария қизил хоч ташкилотининг Оролбўйи аҳолисига ҳадясидир.

Юк Швейцария вакиллари ва уларнинг Ўзбекистондаги касбдошлари иштирокида Қорақалпоғистоннинг Шуманай, Мўйноқ, Тахтакўпир туманларидаги бир қанча шифохоналарга, республика болалар касалхонасига тақсимлаб берилди.

● **Қулайлик**

ЯҚИН ЖОЙДА ДАМ ОЛИШ УЧУН

● «Саноатэнергомонтаж»га қарашли Андижон монтаж бошқармасининг Андижонсой бўйида жойлашган санаторий-профилакторийси дам олувчиларни олдингидан икки баравар кўп қабул қила бошлади.

Бу ерда йўлланма билан ҳам, қатнаб ҳам дам олиш, саломатликни мустаҳкамлаш мумкин.

Санаторий яхши ном чиқарган. Бу ерга Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларидан, шунингдек, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳри ва Ленинобод вилоятидан ҳам одамлар дам олишга келишади. Муолажа учун минерал сув ва Жалолободдан келтириладиган балчиқдан фойдаланилади.

Санаторийда юрак-қон-томир, буйрак, асаб касалликлари даволанади. Дам олувчилар икки кишилик хоналарда яшайдилар. Замонавий тиббий асбоблар уларнинг хизматида.

• «Мен сув ичган дарёлар» туркумидан

Ғайбулла ас-САЛОМ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ, ПРОФЕССОР

ОЛИМ БЎЛИШ ОСОН, ОДАМ БЎЛИШ...

Ғайбулла ас-САЛОМ Ўзбекистонда таржимашунослик фани асосчиларидан. 25 йилдан буён Тошкент давлат дорилфунунида кафедра мудири. Фан доктори. 19 китоб, 200 га яқин илмий, адабий-танқидий ишлар муаллифи. Халқаро анжуманларда маърузалари билан иштирок этган. Илмий раҳбарлиги ва мутасаддилиги остида 56 киши фан доктори ва фан номзоди бўлган. Адиб, мураббий, таржимон.

Ғайбулла аканинг илму ирфон соҳасидаги хизматлари серталвиш, баъзан таҳликали кунлар, бедор ўтказилган тунларнинг маҳсули. Бу инсоннинг ҳаёти, ишлари билан танишган муштарий, сиртдан қараганда сокин оқаётган илм дарёсининг ҳам ўз шиддати, гирдоблари бор эканлигига амин бўлади.

ОЛТИННИ ЁКИ АҚЛ?

Иттифоқо замонавий корчалон билан бир сипойи киши учрашиб қолибди.

— Танла, азизим, — дебди корчалон: — Мана, иккита патнис. Бирида — олтин, бирида — ақл. Қай бирини олгандинг?

— Ақлни!..

— Баракалла. Ўзим ҳам шундай дейсан, деб ўйловдим. Кимга нима етмаса — ўшани олади-да!

Мантиқсиз мантиқ. Хатарнок. Айниқса шу кунларда бозори чаққон, вабодай юқувчан, шилқим «тижоравий фалсафа». Аслида, ақлни олтин эмас, олтинни ақл топади. Тўғри, ақлга ҳам сармоя керак. Сармоя эса ақлга муҳтож. Ёмон бўлмасди ҳар иккаласи ҳам бўлса кишида. Ҳо-о... Кўп нарсани тусайди нотавон кўнглингиз. Ҳаётда бунақаси кам учрайди. Аммо шуниси аниқ: Зар — бебақо. Ақл—устивор.

МАБОДО ЎШЛИК ЭМАСМИСИЗ?

Атоқли ўзбек олими Муҳаммад ўғли Ҳабиб Абдулло ҳақида ривоятга айланиб кетган кўп ҳаётий гаплар юради. Оқсоқол олим ва адибимиз Иззат Султон менга бир воқеани сўзлаб берган. Тор даврда ва гурунгларда янги танилиб келаётган бирон заковатли инсон ҳақида гап очилса, Ҳабиб ака тагдор луқма ташлар экан:

— Ҳа, танийман, ўша Фалончи ўшлик бўлади. Зўр одамлар фақат Ўшдан чиқади (Ҳабиб Абдулло ўзлари мазкур вилоятнинг Аравон туманида таваллуд топган).

Бир гал у кишининг даъвосига даврадошлардан бири ўзича раддия берган бўлибди:

— Йўқ, оқсоқол, айнан ўша одамни мен яхши биламан. Қўшним бўлади. Ўшлик эмас. Шаҳрисабзлик.

Ҳамма кулибди. Зукко, ҳозиржавоб таҳсирим эса барибир бўш келмабдилар.

— Олмаса яхшироқ суриштиринг қўшнингизни. Ўша шаҳрисабзлик Фалончи асли таги ўшлик бўлиб чиқади...

Шу кичик лавҳа ҳудораҳмати Ҳабиб Абдуллонинг топқирлиги, нозик ҳазилкаш, шинаванда ҳам бўлганини кўрсатади. Турган гап, ҳалиги беозор луқма ўша вақтларда эътирозга сабаб бўлиши ҳам мумкин эди. «Нега энди — айнан Ўшдан экан!..» деб ўйлайди бирон тушунмаган киши. Аслида эса бу оддий гап. Дунёвий миқёсдаги ҳар қандай олим ҳам бирон аниқ-таниқ шаҳарда ёки қишлоқда туғилган. Осмондан тушмаган-ку. У «умуман олим» бўлишдан ташқари, ўзининг ўша киндик қони тўкилган кичик Ватанининг ҳам фарзанди. Илм аҳлида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди деб ким айтди!

Бу гапни эшитганимда, мен ғариб жоннинг ҳам дилимнинг қаеридадир иштибоҳ ғимирлаганди: «Оббо Ўзбегима... Шундоқ улкан академигимизда ҳам жиндай «маҳаллийчиликка» ўхшаш кайфият бор экан-да. Лекин кейинчалик яна бир гап эшитдимки, бу гумоним мутлақо асоссиз экан.

Бир куни академиянинг вице-президентларидан бирини Марказқўмга бўлим мудири вазифасига олишибди. Ҳалиги ҳурматли «вице» кетиш олдидан президентга мурожаат этибди:

— Ҳабиб Муҳамедович, акам фалон кас тузуккина фан арбоби бўлиб етишдилар. Тажриба ҳам бисёр. Нима бўладики, хўп десангиз, шу оғамни менинг ўрнимга тайинласак...

Бу андишасизлигидан президентнинг тепа сочи тик бўлган:

— Сиз баҳузур бораверинг, — дебди у гапни чўрт кесиб. — Ўрнингизга бирортаси топилиб қолар.

ТАНИШИНГ: БУ МЕН

Бирон жойда эшитганингиз бормики, бир инсон ўзининг икки илмий рисоласини (диссертациясини) тўрт маротаба ҳимоя қилган бўлса! Яна: бундай ноғаҳоний зулмнинг оқибати ўлароқ, икки тоқир, устма-уст оғир инфарктга дучор бўлса-да, тақдир тақозоси билан ажалга чап бериб, ўз ҳаёти ва иш қобилиятини сақлаб қолса, Бул кимса камина, мен ўзим бўламан. Номзодлигимни 1964 йилда Самарқанд дорилфунунида юз фойиз ёпиқ-яширин овоз билан ёқлаганман. Қора тақриз оқибатида, орадан бир йил ўтгач, Масковда, «ВАК»нинг Эксперт Комиссиясида такрор ҳимоя қилиб, яна юз фойиз овоз билан тасдиқланганман. Докторлигим ҳам шундай бўлган. Ўша ҳол айнан қайтарилган. Бу гал қора тақризчилар — бошқалар, уни уюштирганлар — тағин ўша-ўша шахслар. 1982 да Ўзбекистон Фанлар академиясида докторлик диссертациясини юз фойиз ёпиқ-яширин овоз билан ҳимоя қилиб, яна Масковда, ўша жойда такроран ёқлаб, тасдиғимни олганман. Чунки ҳаваскор, мутеъ тадқиқотчи эмасдим. Фан қароргоҳига эмаклаб кирмаганман. Докторлик илмий даражасига тўла маънавий ҳуқуқ билан келганман.

Умрим диссертация ёзишу, ёқлаш, ёқлаш, ёқлашлар билан ўтиб кетди... Чиқазган хулосам шу бўлдики, биз собиқ мамлакатнинг собиқ Тафтишхонасидан қанчалик безмайлик, иллатнинг илдизи шу ерда, ўзимизнинг ичимизда эди. Оҳ, тўпори ўзбекчилик, munofiq интернационализм! Агар менинг сатрларим яқин ўтмишдан шунчаки бир ҳасрат деб тушуниладиган бўлса, ёзмасдим. Собиқ Иттифоқда илмий минтақаларда авж олган хусумат ва фитналар ўзимизнинг миллий заминимизда яна давом этмаса, соғлом илм аҳлини ҳам ўз гирдобига тортмаса, деб қўрқаман.

Кимдир биров, айтайлик, институт директорлигига ўтолмай қолган. Жамоа сайламаган. Бироқ у буни тушунмайди. Ҳозирги раҳбариятга қарши фисқ-фасод тарқатади. Қўйнида тош сақлаб юргани-юрган. Интиҳойи ғалат: одамлар орасида тинчлик бўлса, унинг тинчлиги йўқолади!.. Яна бирига бўлак амал тегмаган. Чечаги ичга урган. Аламзада. Ўз рақибининг устидан ёзади. Фош этаман деб дағдаға қилади. Қизиғи! Булар оддий, росмана, тўпос иғвогарлар эмас, балки «юқори малакали илмий» фосиқлар. Қарабсизки, гоҳо калтак шогирдлар бошида қарсиллаб синади. Йўқ, қарсиллаб синмайди. Ҳимояда ёпиқ-яширин овоз бериш чоғида, ими-жимида секин номи устидан чизиқ тортиб юборилади. Баркамол илмий ходим синади, ёш навниҳол букилади. Бунга четдан томошабин бўлиб туриш мумкин эмас. Ҳушёр бўлинглар, олимлар!

ГРАФ ТОЛСТОЙ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Саксон иккинчи йил. Докторлик ишимнинг тақдирини билиш учун Масковга гузар қилдим. Олий Илмий Тафтишхонага. Уфф... Яна бир қора тақриз! Намунча тақдир сийламаса мени. Тақдир деймиз-у, ҳасад ва ғараз билан қоврилган бир-иккита ғаламис, уларнинг гумашталари бир умр мени таъқиб этади. Жиноий ишлар мажмуасида бунга модда йўқ. Маълум бўладики, ўзимизнинг қўлбола «олтинчи бармоқларимиз» масковлик «еттинчи бармоқлар» билан қўшилиб фитна уюштирган. Сир ер остида узоқ ётмайди... Кўп-да ўтмай уларни номма-ном билиб оламан. Хулласи, ҳолимга маймунлар йиғлай бошлади.

Ишим ҳимоядан кейин ўн ойнинг юзини кўриб, Эксперт Комиссиясида муҳокамага қўйилди. Бошимга саволларни ёғдириб ташлашди. Хомталаш бўлиб кетдим. Жағим-жағимга тегмай жавраб турибман. Қаттиқ ёпишгани Бакреш деган бир турқи совуқ киши бўлди.

— Сиз нима сабабдан Шекспирдан қилинган таржималарни тадқиқ этдингиз? Олайлик, Лев Толстой асарларининг ўзбекча таржималарини эмас? — деб савол берди у. Мен ҳам бўш келмадим. Бўш келсанг тириклай ютиб юборади-қўяди.

— Чунки... Шекспир жаҳоншумул адиб. Даҳо!

— А Толстой-чи?

— Толстойми? У ҳам даҳо. Илло менинг руҳимга Шекспир яқинроқ. Бу бизнинг ўзбек маданиятида бутун бир даврни ташкил этади.

— Сизнинг «руҳий оламингиз» ғалати экан. Толстой-чи?

— Ҳим... Толстой ҳам ташкил этади, албатта....

— Нега бўлмаса?..

— Шекспир Шекспир, Толстой Толстой-да. Менга Шекспир азизроқ, деяпман-ку.

— Ана холос. А Толстой-чи? Биласизми, Лев Толстой сўз санъаткори сифатида Шекспирни рад этган. Дабдала қилиб ташлаган.

— Жа-а Сиз айтганчалик «дабдала қилиб ташлаган» бўлмаса-да, бир буюк зот бошқа бир буюк санъаткорни рад этган. Одатий нарса.

— Йўг-ей... Антиқа нуқтаи назар.

— Нимаси «антиқа»? Ҳазрат Шекспирни рад этиш учун граф Толстойнинг далиллари етарли эмас. Бундай мантиқ билан ҳатто Лев Николаевичнинг ўзларини ҳам рад этиш мумкин. Агар билсангиз.

Айтинг-ки, кишидан омад кетмасин. Омад кетса-чи, атала ичаман деб тишини синдиради. Мен билан баҳслашаётган одам ўзи лотин тилидан таниқли мутахассис бўлиб, билибми-билмаймми, найзанинг тиғини ўзига қаратаётган эди. Ахийри асаби чидамай, қизариб-бўзариб, тутақиб кетди.

— Шундоғ денг?! Жудаям ҳаддингиздан ошмаяпсизми, мулла?!

— Билмадим, ким ҳаддидан ошаяпти.

Хуллас, басма-басига жаврашдик:

— Толстой!

— Шекспир!

— Толстой!!

— Шекспир!!

Э-э... Сал фурсатдан сўнгра англаб қолдимки, каминанинг мушкулим кушод бўлишида Шекспирдан кўра шу топда Лев Толстойнинг руҳи раҳнамо бўлаётган экан. Бу munofiq Бакреш ўзининг ўта қитмирона саволлари билан қичимаган жойимни қашлаётгани, кафанимни ўзича бичиб қўйганини қаёқдан билай мен ўзбек. Ё қозиюл ҳожот! Ҳар қандай офатнинг ўз кушандаси бўлади. Баҳор қиш қўйнида мудрайди. Ғойибдан келган омадни қарангки, кескин ва қатъий жавобларим, ҳатто бир қадар шаккокликка ўхшаб кетадиган нуқтаи назарим тағинам яхши бўлган экан.

— Нақадар разиллик бу! — бақириб юборди бир чол Бакрешни бармоғи билан кўрсатиб. — Сен малъунсан (подлец!), — деди у менинг рақибимга. — Мана бу одам тўғри жавоб қилди, — деди мен томонга юзланиб. Яна ҳалиги фариштасиз кишига тикилиб, бу гал сенсираб, дағдаға қилди:

— Фан даргоҳи сенга цирк аренаси эмас, билиб қўй!

Ёпирай! Бу не ҳол,а? Тушимми, ўнгимми? Ашаддий мухолифим Бакреш кутилмаганда ҳанг-манг бўлиб, тили калимага келмай қолди. (Керак бўлмаган жойга бурнингни суқсанг шундай бўлади!) «Ў, ҳимоянинг зўри бу ёқда экан-у!» — хаёлимдан кечган гап шу бўлди.

Касал тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади. Дунё кўзимга тор бўлиб турган шундай бир тиғиз пайтда менга Хизр янглиғ ялангтўш ҳимоячини юборганидан Оллоҳга ҳамду сано айтиб турибман ичимда.... Шу аснода дилимга сирли бир тўлқин келиб урилди. Ҳалиги чолга разм солсам, оппоқ соқоли қўкрагига тушади, чеҳраси алланечук нуроний. Валлоҳи аълам, у кимгадир ниҳоятда ўхшарди. Кимга? Сира эслаёлмайман. Юрагим нечукдир «жиғ» этиб кетди.

Масала ҳал бўлган эди. Йўлакда бир кишидан анови ўтирган салобатли оқсоқол кимлигини сўраб-суриштирдим. Маълум бўлдики... Ким деб ўйлайсиз? Николай ўғли граф Толстойнинг набираси экан!

Ҳимоя бир тараф, манови воқеа ўзи бир тараф бўлди. Хуллас, биринчи босқичдан яхши ўтган эдим. Ишим, таомилга кўра, яна икки қичи тақризчининг юзини кўрди... Улар ўнта тадқиқотчидан кўра битта қора тақризчига кўпроқ ишонишаркан. Бе-е!

«ВАК» ҲАҚИНДА ЖИНДАК

Инчунин, қора тақризчи ким? Бу номи ҳаммадан пинҳон тутиладиган шундай бир шахси, ёқланган диссертациялар ялпи ёки сараланиб унинг ҳукмига топширилади. Бу нарса гўё Илмий Кенгашлар қарорининг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш учун қилинади. Ишончсизликдан туғилган бир кунжаковлик. Анонимкачига ўхшаброқ кетади. Аслида эса, уларни қайси томонга қараб йўналтириш (бор ёки йўқ қилиш) яна саноқли кишилар ўз қўлида. Кўпчилик ҳолларда ёқланган, минг бир чиғириқдан ўтиб келган диссертация ва унинг муаллифи тақдирини кўзга кўринмас номаълум бир шахснинг иродаси ҳал қилади. Бундан чиқдики, тақризчилар жуда билагон кишилар экан-да? Йўқ, кўрилаётган соҳадан узоқ мутахассис бўлиши ҳам мумкин. (Тасаввур қилинг: менинг докторлигим, масалан, малакаси адабиётдан мутахассис бўлмаган бир кишига тақризга берилган. Чекимга тушгани шу! Энди унга ўзбек таржималарини тушунтириб кўринг...) Улар ўз «эгаларининг» (иш берувчиларнинг) иродасини бажаришса бас. Умуман олганда, қора тақриз кимларгадир — қасд олиш, кимларгадир — соғиб ичишнинг бир йўли. Имзосиз, «юмалоқ хат»лар Тафтишхонанинг жони эди ўш вақтларда. Агар «анонимка» боравермаса, ўзлик ўзи соғиниб қолишар, ҳатто «ташкиллаштириб» ҳам юборишарди, чоғимда. Бундай ҳолда диссертация муаллифининг умуман шўри қуриди, деяверасиз.

Олий Илмий Тафтиш маҳкамаси («ВАК») кимнинг ихтироси? Мабодо фантехника тараққиётини, маънавий камолот ва маданий юксалишни мўлжаллаб тузилган бўлса, бу нарса ўзини қанчалик оқлади? Башарти, илм-ирфон тараққиёти айнан шу Тафтишхонага боғлиқ бўлса, ҳаққоний савол туғилади: дунёда бизники сингари бундай рўдапо маҳкамага эга бўлмаган ажабтовур буюк, қудратли, маърифатли давлатларда (АҚШ, Япония...) фан ва техника ривожланмай қолган экан-да, а? Акси эмасмикан? Собиқ мамлакатда, ўтакетган бесўнақай расмий-тўрачилик шароитида, менимча, ўзини ўзи оқламаган ноўхшов муассасалардан бири айнан шу Олий Тафтишхона билан Госплан бўлса керак.

Бу илмий-маъмуриятчилик тизимининг дояси, уни дунёга келтирган куч иккита: фанни марказлаштириш, уни Масков манфаатларига хизмат қилдириш. Фан устидан фирқа раҳбарлигини таъминлаш. Жойлардаги тафаккур самараларини ўзлаштириш. Илми-ирфон арбобларининг илигини сўриш. Иккинчиси: чекка ўлкаларга ишончсизлик.

Ким билмайдики, баъзан айнан зўр, кенг илмий жамоатчилик эътироф этган ишлар, илмий-техника кашфиётлари одатда, у ёқдагиларнинг қаршилигига учраганини. Аллақаёқлардаги бўш диссертациялар тезда тасдиқланарди ҳам. Иш қанча заиф, муаллифнинг номи илмий жамоатчиликка қанчалик номаълум бўлса, тасдиқланишга шунчалик қулай бўларкан-да, деб ўйлаб қолардинг айрим нарсаларни кўриб. Буни ҳамма биларди, бироқ айтмасди. Кимга ҳам айтасан? Ўзинг билган ўша қозигами?..

Айтилган аччиқ гаплардан нокерак хулоса чиқазиш жойиз эмас, албатта. Бу фанда умуман назоратга ҳожат йўқ экан, деган маънони англатмайди. Аксинча! Тадқиқот ишларининг самарадорлигини, масъулиятини, ижтимоий фойдали бўлишлиги ва жавобгарлигини ошириш учун бундай маъмурий-тўрачиликка асосланган илмий устқурманинг вазифасини ўз-ўзини назорат қилиш негизида Илий кенгашларнинг ўзига юкланса?

ҚАҲРИМ ВА МЕҲРИМ

...Илмий кенгашда икки зот: мезбон билан меҳмон суҳбатлашиб қолибди. Меҳмон ўзининг ўнлаб йирик тадқиқотлари, кашфиётлари, китоблари борлигидан лоф урибди. Сўнгра ёнида ўтирган мезбондан сўрабди:

— Ўзларининг ҳам асарлари анча бордир? Қандай кашфиётлар қилгансиз, билсак?

Шунда мезбон ўрнидан қўзғолиб, Илмий Кенгаш аҳлидан сўрабди:

— Биродарлар, бу ерда ўтирган олимлар орасида менинг шогирдим бўлганлари ўрнидан турсин.

Ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси: 19 киши оёққа қалқибди. Соҳиби даргоҳ ўз суҳбатдошига кўрсатибди:

— Мана менинг китобларим ва кашфиётларим!

Уч-тўрт йил мобайнида бир толиби илм тадқиқот ёзиб ёқлайди. Шу давр орасида унга сарфлаган вақтимни ўзимга берсам, катта бир китоб ёки дарслик ёзаман-ку. Э, менга не армон! Нашр этган ишларим, дарсликларим ҳам етарли. Аммо мана бу шогирд — тирик китоб. Қаҳримни ҳам, меҳримни ҳам унга берганман. У йиллар давомида менинг руҳий оламимда яшайди. Илмий изланишлари поёнига етгач, фан доктори ёки фан номзоди бўлиб ватанига — Наманган, Гулистон, Қарши, Навоий, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Андижонга... кетиб қолади (пойтахт ва бошқа давлатлардан ташқари, жумҳуриятимизнинг қарийб барча вилоятларида шогирдларим бор менинг). Йўқ, узоққа кетолмайди. Ўша ёқларда ҳам менинг руҳий оламим оғушида яшашни давом эттиради. Бинобарин, мен фақат ўзим учун эмас, мактабим, шогирдларим учун ҳам яшайман.

Мен учун ҳар шогирд бир китоб ва бажойи бир фарзанд. Улар билан ишлаб чарчамайман, зерикмайман, озиб-тўзмайман. Балки ўзим ҳам сероб ва серфайз бўламан, Тирноққа зор бўлиш мусибатидан асрасин. Хилватнишинлик ёхуд ҳасрат-надомат ҳар кимнинг қўлидан келади. Киройи яшаганга яраша, одамлар орасида, одамлар учун, одам бўлиб яшаш керак. Инсон ўзининг инсонларга керак эканини ҳис этган қадар инсон. Менимча, одамшавандаликнинг маъноси ва моҳияти шу.

...Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин. Одамлар борки, олим эмас. Ҳеч-киси йўқ. Олимлар борки, одам эмас. Алҳазар! Ҳазрат Навоий демишлар:

Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам эрсам, ушбу басдур.

Бир хил олимлар бор, илмни соғин сигир қилиб ичиб юрган, мазкур доно мақолнинг аксини даъво қилади: Одам бўлиш осон, Олим бўлиш қийин. И-я? «Одам бўлиш осон»?! Илмига амал қилмаган мулладан устига китоб ортилган эшак яхши, дейдилар. Олимлигига маҳлиё, илмига мағрур бўлиб, фақат ўз фароғатини ўйлайдиган, одамийлик билан орани очиқ қилиб юборган олим олимликка ярамайди.

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ВАЗИРЛИКНИНГ БАЁНОТИ

● Покистон Ислом Республикаси Жанубий Африка давлатини тан олганини ва Преториядаги Покистон ваколатхонасига элчихона мақоми берилишини эълон қилди.

Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазирлиги баёнот берди. Унда мамлакат раҳбариятининг Жанубий Африка Республикаси билан тўла дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёргарлик кўраётгани ҳам айтилган.

ИҚТИСОДЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

● Куба давлати ўтган 35 йил мобайнида биринчи бор америкалик иқтисодчилар гуруҳини қабул қилмоқда.

Нью-Йоркдаги Колумбия университетининг профессорлари ва битирувчиларидан иборат мутахассислар 10 кун давомида мамлакат иқтисоди билан танишади. Кўпгина вазирлар билан учрашувлар ўтказади. Улар Фидель Кастро қабулида бўлиши ҳам мумкин, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбирлари.

ЯРАДОРЛАР СОНИ ОШДИ

● Афғонистон Республикаси Президенти Бурҳониддин Раббоний билан Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр тарафдорлари ўртасида бўлиб ўтган тўп отишмаларида кобуллик 70 дан ортиқ киши ярадор бўлди.

Шу муносабат билан Афғонистон ҳукуматининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ўзаро ярашув жараёнини тезлаштириш йўллари кўриб чиқилди.

МАНДАТЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

● Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти командирлари ҳарбий кийимларини костюмларга алмаштириб, биринчи марта Сальвадор ҳукуматининг парламент мажлисида қатнаша бошладилар.

Маълумки, миллий озодлик фронти тинчлик ҳақидаги шартномани имзолагач, сиёсий партияга айланган эди. 20 мартда ўтказилган умумий сайлов натижасига кўра, мазкур партия 21 депутатлик мандатини қўлга киритиб, янги парламентда иккинчи йирик фракцияга айланди.

АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН

● ВАШИНГТОН. Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон мамлакатга амалий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбарининг ўринбосари Цзо у Цзяҳуани қабул қилди.

Суҳбат чоғида Америка-Хитой муносабатларининг ҳозирги аҳволи бўйича ўзаро фикр алмашилди, дея маълум қилди журналистларга Оқ уй матбуот котиби Ди Ди Майерс.

ЕТТИЛИККА МУРОЖААТ

● ТОКИО. Яқинда Украина Чернобиль АЭСи ўрнига янги электр станцияси қуриш учун кўмак сўраб еттилик гуруҳига кирувчи мамлакатларга мурожаат қилган эди.

«Токио симбун» газетасининг ёзишича, «Еттилик» раҳбарлари июль ойида ўтадиган навбатдаги учрашув чоғида мазкур масалани муҳокама қилмоқчи. Чернобиль АЭСида яна фалокат юз бергудек бўлса, бутун Европа атроф-муҳити хавф остида қолишини ҳисобга олиб, Киевга ёрдам бериш масаласи ижобий ҳал этилса керак, деган фикр билдирилмоқда.

БОШ ВАЗИРНИНГ САФАРИ

● ПАРИЖ. Эстония Бош вазири Март Лаар расмий ташриф билан Парижга келди.

У Франция раҳбарияти билан музокаралар чоғида Европада хавфсизликни таъминлаш ҳамда Эстония билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади.

ТАКЛИФ МАЪҚУЛЛАНДИ

● ГАВАНА. «Социалистик тамойилларга содиқлик — Куба мустақиллигини сақлаб қолишнинг ҳамда иқтисодий бўҳрондан чиқишнинг ягона йўлидир».

Куба раҳбари Фидель Кастро халқ ҳокимияти миллий ассамблеяси сессиясининг ёпилиш маросимида сўзлаган нутқида шундай деди. Сессия делегатлари мамлакат молиявий тизимини яхшилаш юзасидан ўртага ташланган таклифларни бир овоздан маъқулладилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

• *Илму ҳикмат ўтни ёндирар*

БИР ДАРЁ ОҚАЁТИР...

Адабиётшунос олим Шерали Турдиев ўзбек адабиётшунослигида биринчилар қаторида шўролар истибдодига қарши, миллий истиқлол учун курашган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Чўлпонлар ижодини тадқиқ этиб, халқимизга таништирди.

Баъзан ўйланиб қоласан киши: бизга табаррук ватандошларимизни танитган, ўзи Германия ва Японияда ҳам таниқли, камтарин юртдошимизни Ватанимизда кўпчилик танимайди. Олдингдан оққан сувнинг қадри шу эканда... Халқаро Чўлпон мукофоти совриндори, камтарин инсон Шерали ака Турдиев кўз олдимизда ана шундай тўлиб-тошиб оқаётган дарёлардан биридир.

Закий Валидий — аввало Россия Фанлар академиясининг фахри бўлган, рус бўлмаган барон Виктор фон Розен, И. Ю. Крачковский, В. В. Бартольд қаторидаги йирик шарқшунос, туркшунос олимдир. Ўзбек олими Шерали Турдиев ва ундан сал аввал адибимиз Асқад Мухтор бу «янги» ватандошимиз номини Туркистон халқларига танитдилар. Шерали Турдиев бу олим ва миллий озодлик кураши баҳодири ҳаёти, ижоди, босқинчиларга қарши курашининг ҳали биз билмаган сирли оламини кенг ёритишга бел боғлаб, бу соҳада сезиларли ишлар қилди.

Унинг ёзишича, 1916 йилда Волгабўйи халқлари Закий Валидийни Санкт-Петербург Давлат Думасига вакил қилиб сайлашади. У, шу йилларда ўтган мусулмонларнинг турли-туман конгрессларига бош-қош бўлади. 1917-19 йилларда Закий Валидий Бошқирдистон ҳукумати бошлиғи ва ҳарбий нозири вазифасида ишлаб, Марказий Россиядаги туркий халқларни янги босқинчилар зулмидан халос этишда жонбозлик кўрсатади. У Ленин, Сталин билан, Троцкий, Рудзутак каби Шўро раҳбарлари билан учрашиб, миллий масала, ҳуррият борасида қизғин баҳслашади. Шерали Турдиев фидойи қардошимиз ҳаётидаги бу муҳим босқич ҳақида бундай ёзади: «Миллий масалани адолатли ҳал этиш хусусида берган бот-бот таклифлари инобатсиз қолдирилади, аксинча, большевикларнинг зулм ва зўравонлиги, ваҳшиёна тус олаётганини кўради ва уларга қарши очиқ курашга ўтади...» Хуллас, совет раҳбарлари уни ҳам Турор Рисқулов, Файзулла Ҳўжаев, Акмал Икромовлар каби йўқ қилиш учун, таъқиблаш жараёнида Тил ва адабиёт институтининг кўпчилик олимлари билан танишдим. Шулар орасида Шерали Турдиев Шўролар Иттифоқида яшовчи туркий халқлар адабиётларининг ўзаро алоқалари билан шуғулланарди. Камтарин олимнинг «Ҳаётбахш таъсирлар» китоби босилиб чиқди.

Кейинги йилларда мустақиллик шарофати билан Шерали Турдиев, Наим Карим, Бегали Қосим, Ҳайдарали Узоқов, Ислом Усмон каби олим ва журналистлар аввал таъқиқланган ноёб шахслар ҳаёти ва ижодини эркин тадқиқ этиш имкониятига эга бўлдилар. Шерали Турдиев истиқлол берган бу имкониятдан самарали фойдаланиб, этди. У 20 ёшларида ёзган биринчи «Турк тарихи» китоби билан катта олимлар назарига тушади. Петербург университети шарқ факультети декани, «Қуръон» таржимони И. Ю. Крачковский билан хат ёзишиб туради, машҳур туркшунос Радловнинг «Олтой туркларида шеър тузилиши» асарини олмон тилидан туркийга таржима этади, «Турк тарихи» китобини Исмоил Ғаспирали «Таржимон» газетасида мақтайди. Қозон университетидан шарқшунос олимлар Катанов ва Емелянов, олмон шарқшуноси Хартман ҳам Закий Валидий китобини юксак баҳолайдилар.

Аммо, бу мақолани ёзишдан мақсадимиз фидойи касбдошимиз, камтарин, ҳокисор олим Шерали Турдиевнинг илмий изланишлари доирасини кўрсатиш эди. Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлаш ва уларни кучайтирган вақтида у туркистонликларнинг Совет Россияси зулмига қарши курашига ёрдам бериш учун яширин равишда Хива, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Тошкентда бўлиб, маҳаллий раҳбарларга учрашиб, Шўро мустамлакачиларига қарши тарғибот ишлари билан шуғулланади.

Хусусан, Закий Валидий хотираларидаги мана бу ўринлар эътиборимни жалб янада қизғин куч-ғайрат билан ишламоқда.

Истиқлол шарофати туфайли очилган хусусий «Мағфират» номли Ўрта Осиё халқлари тарихи институтининг «Турон» илмий тўпламида Шерали Турдиевнинг «Икки нафис шоир» мақоласи босилди. Мақолада олим маърифатпарвар шоирлар Абдуллоҳ Алавий билан Абдулҳамид Чўлпон ижодий муносабатлари ҳақида фикр юритади. 1922 йилдаги «Инқилоб» журналидан Чўлпон ижоди намуналарини келтиради. У, яна шу соҳадаги тадқиқотларини давом эттириб, йигирманчи йилларда ташкил топган Туркистон Мухторияти ҳукуматининг раиси, Шарқий Бухоро ҳукуматининг раиси Усмонхўжа, туркча «Ислом Қомуси» муаллифларидан бири, атоқли тарихчи Абдулқодир Инон, бошқирд ҳарбий раҳбарларидан, Туркистон миллий истиқлоли учун курашчилардан бири Мустафо Шоҳқўли каби ватандошларимиз билан 20-йилларда тузилган Туркистон Миллий бирлиги жамиятининг раиси Закий Валидий. Туғон биргаликда тушган нодир фотосуратни топиб эълон қилди. Шерали ака «Закий Валидий ёдномаси» мақоласида ватандошимизнинг илмий ижоди ҳақида гапириб, унинг 24—27 ёшларида ёзиб, нашр этган «XVIII аср Фарғона тарихига доир баъзи бир маълумотлар», «Бухоро хонлигига саёҳатим ҳисоботи», «Туркистоннинг маънавий маданияти» (1917), «Туркистон масаласи», кейинроқ, 50—80 ёшларида ёзган «Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари», «Тарихда турклар ва форслар» (1943), «Темур ва Елдирим Боязид» (1948), «Буюк турк ҳукмдори Шоҳруҳ» (1949), «Хотиралар» (1969) асарларининг номи билан бизни таништиради.

Шерали Турдиев «Қизил империя» томонидан зўр бериб яшириб келинган ҳақиқатлар жамолини очишга катта ҳисса қўшаётган миллий олимларимиздан биридир. У Закий Валидийнинг Ўрта Осиё мусулмонларига мустақиллик берамиз деб алдаб, амалда Будённий, Фрунзе, Куйбишевларни юбориб, халқларни асоратга солган «пролетариат доҳийси»га ёзган норозилик хатидан парчалар ҳам келтиради.

Заҳматкаш олим сифатида Шерали Турдиев хорижда узоқ йиллар ўқиган ва Туркистон истиқлоли учун курашган яна бошқа ватандошларимиз ҳаётини ўрганди. Абдуваҳоб Муродий, Саттор Жаббор, Мариям Султонмуродова, Сайида Шераҳмад қизи, Хайринисо Мажидхонова ҳаётини, фаолиятини ўрганиб, «Улар Германияда ўқиган эдилар...» китобини нашр этди.

Бу кичик мақолада биз истеъдодли олим, касбдошимиз Шерали Турдиев ижодий изланишларининг фақат айрим қирраларини қаламга олдик. Шерали ака ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳали тадқиқотлар ёзилиши табиий.

Маҳкам МАҲМУД.

«АГРОНОМ»НИНГ 500-СОНИ

Тошкент Давлат аграр университетининг кўп нусхали «Агроном» газетаси ҳаётида муҳим сана нишонланди. Талабалар, профессорлар ва ўқитувчилар севимли рўзномасининг 500-сони босмадан чиқди. Унинг саҳифаларини варақлар экансиз, газета ҳамжиҳатлик ва тотувликни, ростлик ва ҳақгўйликни, қаноат ва шафоатни, билим ва заковатни тарғиб қилишни ўзининг устивор йўналиши қилиб олганлиги, бу йўлдан оғишмай бораётганлигини кўрамиз.

Университет ректори, академик Эркин Шайхов, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси Б. Абдалимов, Ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетининг декани А Афзалов, университетнинг собиқ талабаси, самарқандлик Саъдулла Эсонов, доцент С. Муҳсимовларнинг мақолалари шулар жумласидандир. Айниқса, Ўзбекистон тарихи кафедрасининг доценти, газета муҳаррири Баҳром Рихсиевнинг «Даврга ҳамоҳанг» деб номланган мақоласи диққатга сазовор.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ФИЛЬМ

Халқимиз эътиборига тушган, истеъдодли режиссёр Фарҳод Ҳайдаровнинг иш фаолияти сиз киномухлисларга яқиндан таниш. Айни пайтда у киши яратаётган кинофильмлар миллий характери ва мавжуд муаммоларни жонли намоён этиши билан томошабинлар диққатини тортмоқда.

Агар эсингизда бўлса, ўтган йили «Киноактёр» ижодий бирлашмаси томонидан суратга олинган «Гуноҳ» фильмининг I-қисмини пойтахтимизнинг кинотеатрларида томоша қилган эдинг з. Ниҳоят, сиз киномухлисларга ваъда қилинган ушбу мусиқали бадиий фильмнинг «Тавба» номли II-қисми ҳам экран юзини кўриш арафасида.

Бош ролларни Юлдуз Ҳамидова ва Фотиҳ Жалоловлар ижро этишган.

Комил УЛУҒ.

АНҚАРА ШЕЪР БИЛАН ЗАБТ ЭТИЛДИ

Туркия жумҳурияти Диёнат вақфи томонидан ўтказилган турк жумҳуриятлари шоирларининг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга бағишланган асарлар учун халқаро танловида ўзбек шоирлари Тоҳир ҚАҲҲОР «Муҳаммад билан суҳбат» достони учун 2-мукофот, Тўра МИРЗО, «Муҳаммад алайҳиссаломнинг етти мўъжизаси» шеъри учун махсус мукофот билан тақдирландилар.

Туркия жумҳурияти Диёнат вақфи даъватига кўра Тоҳир ҚАҲҲОР ва Тўра МИРЗО Туркияда ўтказилган Муҳаммад пайғамбаримиз туғилган кунга бағишланган «Қутлуғ туғилиш ҳафтаси» халқаро илмий анжуманида қатнашдилар. Мукофотларни Туркия жумҳурияти Бош вазири Танси ЧИЛЛЕР хоним топширди.

Диёнат вақфининг муҳташам саройида наът йўлида ёзилган шеърлар ўзбек ва турк тилларида янгради. Айниқса, Тўра Мирзо шеър ўқиётганида барча қатнашчилар чин дилдан олқишлашди. Тўрт кун мобайнида Муҳаммад пайғамбаримиз ва бугунги турк—ислом дунёси мавзуида халқаро анжуман бўлди, теран илмий маърузалар ўқилди. Энг таъсирлиси шунда эдики, деярли ҳар куни қадим Туркистондан чиққан миллат буюкларимиз муҳандисларнинг номи қайта-қайта зикр этилди. Туркия радиоси, ТРТ, «Сомон йўли» телевидениелари орқали икки ўзбек ижодкорининг чиқишлари бериб борилди.

Маълумки, Яссавийдан бошлаб барча шоирларимиз ҳамд, наът, тавҳид, илоҳий каби шеър турларининг юксак намуналарини яратганлар. Бу шеърий мусобақада юртдошларимиз кўпчилик қатори қатнашиб, эски маданиятимиз ва бугунги адабий ҳаётимиз ўртасидаги кўприклар мустаҳкамлигини, қадим Туркистон миллати саналган ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар бугунда ҳам тарихий анъаналарни давом эттираётганликларини дунёга кўрсатишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Озарбайжонлик атоқли шоир Маммад Асланга биринчи, туркманистонлик Аваздурди Нафасовга учинчи мукофот берилгани, шунингдек, Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжондан таклиф этилган Жалил Содиқов, Тўрабой Жўраев, Марат Ўрозов, Анвар Назарали, тожикистонлик Маҳмуд Жўшқинларга рағбатлантирувчи мукофотлар берилгани ҳам бизларни севинтирди. Асосийси, Анқараю Измир шеър билан забт этилди.

Барно ХУЖАЕВА.

• *БИР ХАТ ИЗИДАН*

КАЛАВАНИНГ УЧИ ТОПИЛАРМИКИН?

Иши яхши эди. Ҳалоллигини ҳурмат қилардилар. Касби-корига содиқлиги обрўйини оширди. Унга ишонч ортди. Йигирма йиллик фаолиятида ундан на суд ва на тергов органлари норози бўлишган ҳатто вақти-вақти билан тақдирлаб туришарди ҳам.

Бу ишонч судтиббийэксперт ходими Иброҳим Отажоновга катта масъулият юкларди...

1992 йил 1 ноябрда фуқаро Саъдулла Аҳмедов ҳибсга олинади. У қўшниси моллаларини ўғирлашда гумон қилинганди. Гумондор 5 кун туман ички ишлар бўлими ҳибсхонасида сақланади. Бу ҳақда С. Аҳмедов шундай ёзади: «Туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари Давлат Қурбонниёзов, жиноий қидирув бўлими катта инспектори Давлат Султонов ва милиция ходими Самандар Маткаримовлар мен қилмаган жиноятни бўйнимга юклаб, «ўғирладим», деб ёзасан, дейишди».

Тан жароҳати оқибатида С. Аҳмедов туман касалхонасининг травматология бўлимига тушади. Уч ҳафтадан сўнг, неврология бўлимига ўтказилиб, яна даволанади. Оёққа турганч, жабрдийда шикоят ариза билан туман прокурорига мурожаат қилади. Шунга асосан Беруний туман прокуратураси терговчиси А. Болтаковнинг 1992 йил 9 ноябрдаги қарори билан судтиббийэкспертиза тайинланди. Экспертиза ўтказиш судтибэксперт Иброҳим Отажоновга топширилди.

— Ҳаммаси шундан бошланди, — дейди И. Отажонов, — туман ИИБнинг собиқ бошлиғи ва муовини Давлат Қурбонниёзов дағдаға қилишди. Телефон қўнғироқлари тинмади. Уйимгаям, иш жойимга ҳам ИИБ ходимлари устма-уст келишди. Шарт—битта С. Аҳмедовга судтиббий экспертиза хулосасини бермаслик. И. Отажонов уларга рад жавобини берди. Дўхтирнинг қайсарлиги ИИБ катталарини ҳайратлантирди ва уларга Раъно Жуматова иши қўл келди. Кўчада Жуманазар Мамбетов билан танишиб қолган Раъно Жуматова иккаласи турмуш қуришга аҳд қиладилар. Икки йил никоҳсиз яшашади. Бу борада Жуманазарнинг оиласи борлиги аён бўлиб қолади. Илгариям турмуши бузилган бу аёлга буниси ёқмайди.

1992 йилнинг 15 ноябрида Ж. Мамбетов асаби таранглашиб, Раънони калтаклайди. Тепиб, тан жароҳати етказади. Дўхтирга, милицияга айтсанг чатоқ бўлади, деб қўрқитади.

— Уч кунгача қўрқиб ётдим. Уйдан чиқмадим, — дейди Раъно Жуматова. — Ахири бўлмади. Кўкрагим оғриғига чидай олмадим. Милицияга арз қилдим. Улар судтиббийэкспертга йўлланма беришди.

Туманимиз эксперт врачи И. Отажонов меҳнат таътилида экан. Тўрткўлнинг экспертини қидириб бордик. Уч мартаям топишнинг иложи бўлмади. Шунда бизларни милиция участка инспектори Уркинбоев эксперт И. Отажоновнинг олдига эргаштириб борди. У ундан экспертиза ўтказишни талаб қилди. Онам илтимос қилдилар.

Боя айтилганидек, шу пайтда И. Отажонов меҳнат таътилида эди. Она-бола, додвой солиб, оёқтираб олдилар. Ноилож жабрдийдани кўриб, кўкрак қафасини рентгенга туширишга ва травмотолог консультациясига йўлланма берди.

Фуқаро Раъно Жуматовагина берилади. Беруний туманидаям бундан бохабар ҳуқуқшунослар ишлайди. Ҳуқуқий билимларим етарли. Лекин уларнинг қуйидаги ҳаракатлари қайси қонунга мос келаркин?!

Милиция ходимлари айнибдорликда гумондор бўлмиш Жуманазар Мамбетовдан фойдаланмоқчи бўлдилар. Ноқонуний ҳолда унинг қўлига эксперт хулосасини тутқазишди. Гумондор-жиноятчи 1992 йил 4 декабрь куни эрталаб судтибэкспертнинг ҳовлисига бориб эшик қоқди.

— Юз-қўлимни ювяётгандим, — дейди И. Отажонов, — уйимга Ж. Мамбетов кириб келди. Қўлида Р. Жуматова ҳақидаги судтиббий эксперт хулосам. Буни кўриб юрагим ҳаприқиб кетди. Чунки, эксперт хулосаси айнибдорликда гумон қилинаётган кишининг қўлига берилиши ақлга сиғмасди. Жуманазар эксперт хулосаси ой, кунини ва сонини ёзмабсиз, деб важ қилди-ю, эгнимдаги уй халатим ҳамёнига нимадир солди-да зумда ортига қайтди. Ҳай-ҳайлаганимга қарамай эшикдан чиқиб кетди.

«Вазифа»сини бажарган Ж. Мамбетов ўша куниёқ Раъноларникига боради.

— Декабрнинг бошлари эди. Числоси эсимда йўқ. Жуманазар уйимизга келди, — дейди Раъно Жуматова. У менга ва онамга дўқ қилиб қўрқитди. Сенга қовурғаси синган, деб хулоса берган эксперт И. Отажоновни қаматиб ташладим. Энди уёқдан чиқолмайди. Айтганларимни қилмасанглар ўлдириб юбораман. Ўлигингни қидириб тополмайдилар, — дея даг-дага қилди.

Шу тарзда Жуманазар Раънодан, онасидан кечирдик, деган мазмунда хат ёздириб олди. Беруний туман ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси Ж. Ботирхонов Р. Жуматова иши юзасидан қайта эксперт ўтказдирди. Бу галгиси Нукусда. 10 декабрдаги 33-сонли судтиббий экспертиза хулосасиям И. Отажонов айтганларини тасдиқлади.

И. Отажонов хасталаниб қолди. Саломатлиги оғирлашавергач, беш марта тез тиббий ёрдам чақирилди. Ўтган йилнинг 10, 11, 12, 14 ва 16 январь куни беморга «Икки ёқлама ўпка зотилжами, қон босими кўтарилган, гипертониянинг II босқич кўриниши» деган ташхис билан муолажа қилинди.

Тез тиббий ёрдам врачи 10 январда И. Отажонов аҳволи оғирлигидан хавотирланиб, уни даволаш муассасаларига ётқизиш зарурлигини айтди. Навбатчи милиционер прокурорнинг рухсати кераклигини айтиб рози бўлмади.

Ҳибсда сақланган пайтда И. Отажонов устидан жиноий иш қўзғатилганди. Кўпни кўрган терговчи Ботирхонов эса уни Ж. Мамбетовдан 2 минг сўм пора олганликда айблаб, ишни ўзи кўра бошлади.

Тўғри, ҳуқуқшунослар ҳар қандай қонунбузарни «хизматига» яраша «сийлаши» керак. Буниси тушунарли. Лекин бир аёлнинг қовурғаси синдирган Жуманазар Мамбетовнинг эмин-эркин юргани тушунарсиз. Қолаверса, бу эркатой гумондорқўлига судтиббий эксперт хулосасини ким берди? Жиноий иш шошилинч ҳолда И. Отажоновнинг эмас, гумондорга қанот бўлган «раҳнамо»нинг устидан қўзғатилиши керакмасмиди? Пора операциясида ҳам ўша «раҳнамо»нинг қўли бор.

Қўлимизда Хоразм вилояти судтиббийэкспертиза бюросининг 1993 йил 5 февралдаги 44-сонли хулосаси: «Отажонов Иброҳимнинг кўкрак қафаси чап олдинги юзасида, оёғининг ўнг сонида қонталашлар ва ўнг бел соҳасида қонталашлар билан тери остида катта чуқур жойлашган гематома бўлиб, бу жароҳатлар қаттиқ, тўмтоқ предмет билан урганда келиб чиқади. Ва муддати текширилувчининг айтган вақтига тўғри келади. Бу жароҳатлар Отажонов Иброҳимнинг **соғлиғи бузилиши билан боғлиқ бўлган енгил даражадаги** тан жароҳати ҳисобланади».

И. Отажонов ҳақиқат йўлида кўп нарсани йўқотди. Ундан энг қимматлиси саломатлиги эди. У иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Ишдан кетди. Ҳатто аёлиям 22 йиллик педагогик фаолияти билан «қисқариш»га тушди. «Дело»си Беруний, Нукус, Элликқалъа ва яна Нукусда кўрилди.

Орган ходими қўлига берилган экспертиза хулосасининг эса Жуманазар Мамбетов қўлига ўтиб қолиши мутлақо қонунга зиддир.

Ғараз ниятлари барбод бўлди. И. Отажоновдан ўч олиш учун уюштирилган «Пора» операцияси ҳам ўзини оқламади. Энди чуваланган калаванинг учи чиқиб қолди. Уни тортиб олиш ўз соҳасининг билимдон усталари учун ҳеч гап эмас.

Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мазкур мақола саҳифаланаётганда Қорақалпоғистондан яхши хабар келди. И. Отажоновнинг турмуш ўртоғи Туйма Қурбонбоева Тўрткўл тумани халқ судининг қарори билан ўз вазифасига тикланди. Унинг бир йиллик мажбурий юрган бўш кунлари учун иш ҳақи ҳам тўланадиган бўлди. Бу адолатнинг ярим палласи. Адолат эса тўла-тўкис ва мутлақо бутун бўлмоғи жонз.

• *ҚУТЛОВЛАР* •

Азиз ва меҳрибон буваженимиз
Муҳаммадали ИНОҒОМОВ!

Биз Сизнинг 70 ёшингиз ҳамда педагогик фаолиятингизга 45 йил тўлиши муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Умрингизнинг ярмини педагоглик ишига бағишладингиз. Ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишда куч-ғайратингизни аямадингиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, кейинги ҳаётингиз бундан ҳам боқий бўлишини тилаб қолувчи фарзандларингиз ва набираларингиз:

Умида, Давронбек, Жавлонбек, Санда, Зафарбек, Муҳаммадёр ва Ҳабибулло.

Ҳурматли Олимжон Ҳакимов! Биз сизни меҳрибон ҳамкасб сифатида қадрлаймиз ва ҳурмат қиламиз.

Муборак 55 ёшга тўлганлигингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Ишларингизга омад ва ютуқлар, доимо юзингизда табассум бўлишини тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ дўстларингиз.

ҚОДИРИЙНИ ЭСЛАБ...

Қибрай туманидаги Абдулла Қодирий номли мактабда тантана бўлди. Мактаб саҳнасида мумтоз ёзувчининг қаҳрамонлари — Кумушбиби ва Отабек, Анвар мирзо ва Раъно чиқиш қилдилар. Роль ўйнаганлар таниқли санъаткорлар эмас, балки тумандаги қатор ўқув масканларининг ўғил-қизлари эди. Абдулла Қодирийнинг 100 йиллигига бағишланган адабий анжуманда Фарҳод Мусажонов, Сайёр каби ёзувчилар, туман «Давр овози» газетаси ижодкорлари қатнашдилар.

Камола ТОЖИЕВА.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

ТошДТУнинг «Нефть ва газ» куллиёти раҳбарияти ва жамоаси - куллиётнинг «Нефть-газ конлари геологияси ва қидириш» таҳсилгоҳининг доценти Турсунпошшо Садирхўжа қизи Раўбхўжаевага онаси **Манзурахон АБРОРОВАнинг** вафоти муносабати билан унга ва оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

А. Қодирий номли Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи ректорати, касаба уюшмаси ва жаҳон адабиёти ва тиллари кафедраси жамоаси доцент Н. А. Тоирова укаси **Ҳамидулло Абдулҳаевич ТОИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 939 тир. 85501.
Навбатчилар: Қ. ЭШМАТОВ, А. ПУЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. Нолинрадди — 23.00 1 2 3 4 5 6.